

Сабр қиламиз, отажон!



07:00 / 19.12.2018 5924

Умар ибн Абдулазизнинг мавлосидан ривоят қилинади:

“Бир куни Умар ибн Абдулазиз йиғлаб уйғонди. Мен тургунимча ҳам йиғидан тўхтамади. Мен у билан бир хонада ухлар эдим, баъзида унинг мана шундай кўп йиғлашидан ухлай олмай чиқардим. Ўша куни тонг отганда у мени чақириб, “Ўғлим, яхшилик ҳамма сенга қулоқ солиши ва итоат қилишида эмас, балки Роббингни таниб, Унга итоат қилишдадир. Ўғлим, бугун тонг отиб, кун ёришмагунча ҳеч кимни ҳузуримга киритма, яна одамлар мени тушунмай қолмасин”, деди. Мен эса: “”Отам сизга фидо бўлсин, эй мўминларнинг амири. Бугун жуда қаттиқ йиғладингиз. Илгари бундай ҳолатни кўрмаган эдим” деб, йиғисининг сабабини сўрадим. У йиғлаб юборди. Сўнг йиғлаганча “Аллоҳга қасамки, Аллоҳ олдида туришимни эсладим”, деди-ю, ҳушидан кетди. Шу ётганича тонг отгунича

хушига келмади. Ўша кундан кейин вафот этгунига қадар кулганини кўрмадим.

Бир сафар ҳайит куни Умар ибн Абдулазизнинг кичик қизи отасининг ҳузурига йиғлаб кириб келди. Отаси: “Нимага йиғлаяпсан, қизим?” деган эди, қизи: “Ҳамма болалар янги кийим кийишди, мен эса мўминлар амирининг қизи бўла туриб, ҳайитга эски кийим кийиб чиқдим”, деди.

Умар ибн Абдулазиз қизининг сўзидан таъсирланиб, хазинабоннинг олдида борди-да, “Келаси ойдаги маошимдан бир оз пул бериб тура оласизми?” деб сўради. Хазинабон: “Нима учун, эй мўминлар амири?” деди. Халифа қизининг хафа бўлганини гапириб берди. Хазинабон: “Монелигим йўқ, фақат бир шарт билан”, деди. Халифа қандай шартлигини сўраган эди, хазинабон: “Келгуси ойгача тирик қолишингизга кафолат берсангиз, майли”, деди. Бу гапдан кейин Умар пулни олмай, уйига қайтиб кетди. Фарзандлари: “Нима бўлди, отажон?” деб сўрашди. Умар ибн Абдулазиз: “Сабр қилсангиз, барчамиз жаннатга кирамиз. Сабр қилмасангиз, мен дўзахга тушаман!” деди. Фарзандлари: “Сабр қиламиз, отажон!” дейишди. Аллоҳ улардан рози бўлсин!

“Солиҳлар гулшани” китобидан